

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ

**СПОРТДА ДОПИНГГА ҚАРШИ
КУРАШ ТЎҒРИСИДАГИ
ХАЛҚАРО КОНВЕНЦИЯ
ТАЛАБЛАРИ БЎЙИЧА
УСЛУБИЙ ҚЎЛЛАНМА**

Тошкент - 2025

Спортда допингга қарши кураш тўғрисидаги халқаро конвенция талаблари бўйича услубий қўлланма.
Т.: Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, 2025 й. – 19 бет.

Мазкур қўлланма Спортда допингга қарши кураш тўғрисидаги халқаро конвенция талабларини, шу жумладан, тақиқланган рўйхат ва ундаги модда ҳамда усулларни, Ўзбекистон Республикаси Миллий антидопинг агентлигининг бу борадаги вазифаларини ҳамда спортда допингга қарши ўқитиш, тайёргарлик ва тадқиқотлар ўтказиш тартибини содда ва равлон тилда тушунтиришга қаратилган.

Ушбу қўлланма спорт соҳасидаги давлат хизматчилари, жисмоний тарбия-спорт ташкилотлари ходимлари, профессионал ва ҳаваскор спортчилар ҳамда жамоатчилик учун мўлжалланган.

Ушбу услубий қўлланма тавсиявий хусусиятга эга.

МУНДАРИЖА

СПОРТДА ДОПИНГГА ҚАРШИ КУРАШ БЎЙИЧА ХАЛҚАРО ВА МИЛЛИЙ ҚОНУНЧИЛИК ҲУЖЖАТЛАРИ	3
КИРИШ	4
УМУМИЙ ҚОИДАЛАР	5
СПОРТДА ДОПИНГГА ҚАРШИ КУРАШ ТЎҒРИСИДАГИ ХАЛҚАРО КОНВЕНЦИЯ ТАЛАБЛАРИ	8
ЎҚИТИШ ВА ТАЙЁРГАРЛИК. ТАДҚИҚОТЛАР.....	13
ИЛОВАЛАР	16

Спортда допингга қарши кураш бўйича халқаро ва миллий қонунчилик ҳужжатлари

“Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида”ги Қонун	
“Спортда допингга қарши кураш тўғрисидаги халқаро конвенцияни (Париж, 2005 йил 19 октябрь) ратификация қилиш ҳақида”ги Қонун	
Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 8 майдаги “Маъмурий ислохотлар доирасида Ўзбекистон Республикаси Миллий антидопинг агентлиги фаолиятини самарали ташкил қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ–149-сон қарори	
Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 23 февралдаги “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Миллий антидопинг агентлиги тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 141-сон қарори	

КИРИШ

“Ўзбекистон – 2030” стратегиясида миллий терма жамоаларга юқори малакали ва натижадор спортчиларни тайёрлаш тизимини такомиллаштириш, олимпия ва паралимпия ҳаракатини ривожлантириш, республикада спорт билан профессионал ва доимий шуғулланувчи ёшлар улушини ошириш мақсадлари назарда тутилган.

Шу билан бирга, **2030 йилгача эришиладиган мақсадларнинг самарадорлик кўрсаткичлари** қаторига 2030 йил Доҳада (Қатар) бўлиб ўтадиган навбатдаги Осиё ўйинларида Ўзбекистон спортчиларининг умумий жамоа ҳисобида **кучли ТОП-5 талик давлатлар қаторига киришига эришиш**, разрядли ва унвонли спортчилар сонини 25 минг нафарга етказиш, Олимпия ва паралимпия ўйинларида **кучли 15 та мамлакат қаторидан ўрин эгаллашга эришиш** кабилар киритилган.

Ўз навбатида, “Ўзбекистон – 2030” стратегиясини “Атроф-муҳитни асраш ва “яшил иқтисодиёт” йилида амалга оширишга оид давлат дастури доирасида 2025 йилда разрядли ва унвонли спортчилар сонини **15 минг нафарга етказиш** мақсади қўйилганлиги бежиз эмас.

Шунга кўра, Бутунжаҳон антидопинг агентлигининг талаблари ва қоидалари бажарилиши ва тезкор жорий этилиши, ЮНЕСКОнинг Спортда допингга қарши кураш тўғрисидаги халқаро конвенцияси ҳамда Бутунжаҳон антидопинг кодексидан келиб чиқадиган мажбуриятларга оғишмай риоя этилиши юқоридаги мақсадларга эришишда катта аҳамиятга эга.

Адлия вазирлиги томонидан ишлаб чиқилган **Спортда допингга қарши кураш тўғрисидаги халқаро конвенция талаблари бўйича услубий қўлланма** Спортда допингга қарши кураш тўғрисидаги халқаро конвенциянинг қабул қилиниши, унда иштирокчи давлатларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, ўзаро ва халқаро ҳамкорлик, тақиқланган модда ва усуллар ҳамда Миллий антидопинг агентлигининг вазифалари каби масалаларни қамраб олади.

УМУМИЙ ҚОИДАЛАР



Маъмурий ислохотлар доирасида **Ўзбекистон Республикаси Миллий антидопинг агентлиги** фаолиятининг устувор йўналишлари, хусусан, спортда допинг қўлланишининг олдини олиш ва **допингга қарши курашиш соҳасида ягона давлат сиёсатини** амалга ошириши, **халқаро нормалар ва стандартларга** риоя этилишини таъминлаши белгиланди.

Миллий антидопинг агентлиги

UzNADA

Бутунжаҳон антидопинг агентлигининг талаблари ва қоидалари бажарилиши устидан доимий мониторинг олиб бориш ва тезкор жорий этиш

Спортда допингга қарши кураш тўғрисидаги халқаро конвенция ва Бутунжаҳон антидопинг кодексидан келиб чиқадиган мажбуриятлар бажарилишини таъминлаш

Ўзбекистон спортчилари, тренерлари ва бошқа мутахассисларининг ҳуқуқ ва манфаатларини ифода этиш ва ҳимоя қилиш

спортда допинг қўлланишининг олдини олиш ва допингга қарши курашиш бўйича услубий тавсиялар ишлаб чиқиш

допинг назорати натижаларини бошқариш тартиб-таомилларини белгилаш, аниқланган спортда допинг қўллаш ҳолатлари бўйича интизомий чоралар кўриш

Маъмурий ислохотлардан сўнг Бутунжаҳон антидопинг кодекси ҳамда халқаро стандартларга асосланган ҳолда **миллий антидопинг қоидалари** ишлаб чиқилди.

Миллий антидопинг қоидаларига кўра, допинг спорт руҳига мутлақо зиддир.

Миллий антидопинг агентлиги томонидан **2025 йилги Тақиқланган рўйхат**нинг ўзбек тилидаги нусхаси ташкилотнинг расмий веб-сайтига жойлаштирилган. *(Ушбу рўйхат 2025 йил 1 январдан кучга кирган)*



2025 йилги Тақиқланган рўйхат билан танишиш учун **QR-код**ни сканерланг.



Рухсат этилган рўйхат билан танишиш учун **QR-код**ни сканерланг.

Миллий антидопинг агентлиги **спортчилар учун антидопинг таълим электрон платформаси**ни яратилди.



Бугунги кунга қадар электрон платформада **3 та ўқув курси** мавжуд бўлиб, **17 мингдан ортиқ фойдаланувчилар** фойдаланмоқда. Ўқув курсларини тугатганларга **15 мингдан ортиқ сертификат** берилди.

Спортчилар учун антидопинг таълим электрон платформаси билан танишиш учун қуйидаги QR-кодни сканерланг:



Бу қизиқ: “Париж–2024” Олимпия ўйинлари давомида жами **6 130 та намуна** йиғилган. Ушбу намуналар мусобақа давомида ва мусобақадан ташқари олинган бўлиб, Олимпия қишлоғининг очилишидан бошлаб ёпилиш маросимигача бўлган даврни қамраб олган. Намуналар **4 770 та допинг назорати** орқали **4 150 та спортчидан** олинган бўлиб, бу барча иштирокчиларнинг **38,75 % ини** ташкил этади.

Бу кўрсаткич “Токио–2020” билан солиштирганда 4 % га, “Рио–2016” билан таққослаганда эса **10 % га юқори**.

СПОРТДА ДОПИНГГА ҚАРШИ КУРАШ ТЎҒРИСИДАГИ ХАЛҚАРО КОНВЕНЦИЯ ТАЛАБЛАРИ



Спортда допингга қарши кураш тўғрисидаги халқаро конвенция ЮНЕСКО Бош конференциясининг 2005 йил 3–21 октябрда Парижда бўлиб ўтган 33-сессиясида 2005 йил 19 октябрда қабул қилинган.

*Спортда допингга қарши кураш тўғрисидаги халқаро конвенция Ўзбекистон Республикасининг **2010 йил 27 декабрдаги ЎРҚ-275-сон Қонуни** билан ратификация қилинган.*



Конвенцияга кўра, қуйидаги қоидабузарликлар **спортда “допингга қарши қонидани бузиш”** деб топилади:

- ❌ спортчи организмдан олинган намунада **тақиқланган модда** ёки **унинг метаболитлари** ёхуд **маркерлари** бўлиши;
- ❌ тақиқланган модда ёки **тақиқланган усулни ишлатиш** ёки ишлатишга уриниш;
- ❌ допингга қарши қоидаларга мувофиқ хабардор қилингандан сўнг **намуна олишга келишдан бош тортиш** ёки асосли сабабларсиз келмаслик ёхуд бошқа тартибда намуна топширишдан бош тортиш;
- ❌ мусобақадан ташқари допинг-тестдан ўтиш учун спортчининг мавжудлигини таъминлаш бўйича амалдаги **талабларни бузиш, жумладан, унинг жойлашуви ҳақида талаб этилган маълумотларни тақдим этмаслик** ва оқилона қоидалар асосида белгиланган тест синовиға келмаслик;
- ❌ допинг-назоратнинг ҳар қандай босқичида **сохталаштириш** ёки **сохталаштиришга уриниш**;

- ❌ таъқиқланган моддалар ёки усуллар мавжудлиги;
- ❌ ҳар қандай таъқиқланган модда ёки таъқиқланган **усулни тарқатиш**;
- ❌ ҳар қандай спортчига таъқиқланган моддани қўллаш ёки қўллашга уриниш, шунингдек, унга нисбатан таъқиқланган усулни қўллаш ёки қўллашга уриниш, шу билан бирга, допингга қарши қоидаларни бузиш ёки бузишга уринганлик билан боғлиқ ҳар қандай **ёрдам кўрсатиш, рағбатлантириш, кўмак бериш, қўзғатиш, яшириш** ёки **бошқа шаклда ҳамкорлик** қилиш.

Конвенцияга кўра, иштирокчи давлатларнинг мажбуриятлари:

- 1** Кодекс тамойилларига мувофиқ **миллий ва халқаро даражада тегишли чора-тадбирларни** қабул қилиш;
спортда ахлоқий тамойилларга риоя этилишини таъминлаш,
- 2** спортчиларни ҳимоя қилиш ва тадқиқот натижаларидан биргаликда фойдаланиш мақсадида **халқаро ҳамкорликнинг барча шакллари**ни кенгайтириш;
иштирокчи давлатлар ўртасида ва спортда допингга қарши
- 3** курашиш соҳасида етакчи ташкилотлар, жумладан, **Бутунжаҳон допингга қарши агентлиги (WADA) билан халқаро ҳамкорликка** кўмаклашиш.




Иштирокчи давлат ўз мажбуриятларини бажариш учун тегишли **чора-тадбирларни** (қонунчилик, меъёрий тартибга солиш, сиёсат юритиш ёки маъмурий амалиёт соҳаларида) **амалга оширишга** мажбурдир.



Иштирокчи давлатлар таъқиқланган модда ва усуллардан **фойдалана олиш имкониятини чеклаш бўйича** чора-тадбирларни қабул қилади. Бундан мақсад спортчиларнинг ушбу модда ва усуллардан фойдаланишини чеклаш бўлиши лозим.

Таъқиқланган модда ва усуллардан **фақатгина терапевтик мақсадлар учун** фойдаланишга рухсат берилиши мумкин.

Чора-тадбирлар спортчилар орасида таъқиқланган **моддалар ва усулларни тарқатишга қарши курашишни**, шунингдек, уларнинг ишлаб чиқарилиши, кўчирилиши, олиб кирилиши, тарқатилиши ва сотилишига нисбатан назоратни ўз ичига олиши лозим.



Спортчилар томонидан таъқиқланган моддалар ва усулларни спортда фойдаланиши ва уларга эгалик қилишни олдини олиш ва чеклаш бўйича чора-тадбирлар амалга оширилади.



Иштирокчи давлат юрисдикциясида бўлган тегишли юридик шахсларнинг бундай чора-тадбирларни амалга оширилишини қўллаб қувватланади.

◆ Допингга қарши қоидаларни бузган ёки спортда допинг билан боғлиқ бошқа **қоидабузарлик қилган спортчи ёрдамчи персоналига** нисбатан чора-тадбирлар, шу жумладан санкциялар ёки жарималар иштирокчи давлатлар томонидан қўлланади.

◆ Шу билан бирга, иштирокчи давлатлар спорт ташкилотлари ва допингга қарши ташкилотларга ҳам бу каби чораларни қўллашга ёрдам кўрсатади.

Озиқ-овқат қўшимчалари ишлаб чиқарувчилар ва тарқатувчиларга бу соҳадаги илғор амалиётларни жорий қилиш, шу жумладан уларнинг кимёвий таркиби ва сифат кафолатлари ҳақида маълумот тақдим этишда ёрдам берилади.





Молиявий чора-тадбирлар

Иштирокчи давлатлар:

🏆 ўз бюджетлари доирасида барча спорт турлари бўйича миллий допинг-тестдан ўтказиш дастурини молиялаштириш учун **маблағ ажратадилар;**

🏆 спорт ташкилотларига ва допингга қарши ташкилотларга допинг назоратини молиялаштиришда тўғридан-тўғри **субсидиялар ёки грантлар ажратади;**

🏆 допинг назорат бўйича харажатларни умумий субсидия ёки грантлар миқдорида ҳисобга олиш шаклида ёрдам кўрсатадилар.

Допингга қарши қондани бузганлиги учун дисквалификация қилинган спортчилар ёки уларнинг ёрдамчи персоналига спорт фаолияти билан боғлиқ молиявий ёрдам тўхтатилади.
Тўхтатиш дисквалификация қилинган давр учун амал қилади.



Кодексга ёки допингга қарши қоидаларга риоя қилмайдиган спорт ташкилоти ёки допингга қарши ташкилотга **молиявий ёки спорт фаолияти билан боғлиқ бошқа ёрдам қисман ёки тўлиқ тўхтатилади.**



Допинг-назоратини қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари

Иштирокчи давлатлар:

🏆 спорт ташкилотлари ва допингга қарши ташкилотларнинг Кодексга мувофиқ **допинг-назоратини**, жумладан, **олдини олиш**

назоратини, мусобақадан ташқари ва мусобақадаги **допинг-тестдан ўтказишни** рағбатлантиради ва қўллаб-қувватлайди;

🏆 спорт ташкилотлари ва допингга қарши ташкилотларнинг ўз аъзоларини бошқа давлатларнинг ваколатли допинг нazorати гуруҳлари томонидан ишончли тарзда текширувдан ўтказилишига имкон берадиган **битимлар тузишини** рағбатлантиради ва қўллаб-қувватлайди;

🏆 спорт ташкилотлари ва допингга қарши ташкилотларга **допинг-назорати бўйича таҳлилларни ўтказиш учун** аккредитацияланган лабораторияларга кириш имкониятини таъминлашда ёрдам беради.

Иштирокчи давлатлар **Бутунжаҳон допингга қарши агентлигини** допингга қарши халқаро кураш соҳасидаги вазифаларини бажаришида қўллаб-қувватлашга мажбурдирлар.



**world
anti-doping
agency**

🏆 Халқаро миқёсда Конвенция мақсадларига эришиш учун иштирокчи давлатлар ўз юрисдикцияси остидаги **допингга қарши ташкилотлар, давлат органлари** ва **спорт ташкилотлари ўртасида** ҳамда **хорижий ўхшаш ташкилотлар ва органлар ўртасида** ҳамкорликни қўллаб-қувватлаши лозим.



ЎҚИТИШ ВА ТАЙЁРГАРЛИК. ТАДҚИҚОТЛАР

Конвенцияга кўра, иштирокчи давлатлар ўз имкониятлари доирасида допингга қарши кураш масалалари бўйича **таълим ва ўқув дастурларини** қўллаб-қувватлаш, ишлаб чиқиш ва амалга ошириш мажбуриятини олади.



Спорт жамоатчилиги учун мўлжалланган ушбу дастурларда қуйидаги масалалар бўйича **долзарб ва ишончли маълумотлар** бўлиши лозим:



допингнинг спортдаги **ахлоқий қадриятларга** етказадиган зарари;




допинг қўллашнинг **соғлиқ учун** оқибатлари.

Спортчилар ва уларнинг ёрдамчи персонали учун, айниқса, тайёргарликнинг бошланғич босқичида, дастурлар мавзулари



допинг-назорати тартиб-таомиллари



допингга қарши курашиш бўйича спортчиларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, Кодекс ва тегишли спорт ташкилотлари, антидопинг ташкилотларининг антидопинг сиёсати, шунингдек, антидопинг **қоидаларини бузиш оқибатлари** ҳақида маълумотлар



тақиқланган моддалар ва усуллар рўйхати, шунингдек тақиқланган моддаларни терапевтик мақсадда қўллаш учун рухсатномалар



озуқа қўшимчалари



Спорт ва антидопинг ташкилотлари барча спортчилар ва уларнинг ёрдамчи персонали учун юқоридаги дастурларда кўрсатилган масалалар бўйича **таълим ва тайёргарлик дастурларини доимий равишда** амалга оширади. Иштирокчи давлатлар эса бунга кўмаклашади.

Иштирокчи давлатлар зарур ҳолларда самарали антидопинг дастурларини амалга ошириш масалалари бўйича **ахборот, мутахассислар ва тажриба алмашиш мақсадида** бир-бири билан ва тегишли ташкилотлар билан ҳамкорлик қиладилар.

✔ Иштирокчи давлатлар ўзларида мавжуд имкониятлар доирасида спорт ва бошқа тегишли ташкилотлар билан ҳамкорликда антидопинг тадқиқотларини ўтказишга кўмаклашиш ва ёрдам беришга мажбур.

Тадқиқот ўтказиладиган масалалар

допингдан фойдаланишнинг олдини олиш ва уни аниқлаш усуллари, хулқ-атвор ва ижтимоий жиҳатлар, шунингдек, допинг қўллашнинг **соғлиқ учун оқибатлари**

спортчининг соғлиғига зарар етказмайдиган физиологик ва психологик тайёргарлик бўйича **илмий асосланган дастурларни** ишлаб чиқиш йўл ва воситалари

илмий тараққиёт натижаси ҳисобланган барча **янги моддалар ва усуллари қўллаш**

Иштирокчи давлатлар антидопинг тадқиқотларини ўтказишга кўмаклаша туриб, қуйидагиларга риоя этилишини таъминлайди:



- халқаро даражада эътироф этилган **ахлоқий меъёрлар**



- спортчиларга тақиқланган моддаларни юбориш ва **тақиқланган усуллардан фойдаланишдан воз кечиш**



- тадқиқотлар **натижаларидан ноқонуний фойдаланиш** ва уларни допинг мақсадларида ишлатишнинг олдини олиш учун тегишли **эҳтиёт чораларига** риоя қилиш

*Зарур деб топилганда, миллий қонунчилик ва халқаро ҳуқуқ нормаларига риоя этган ҳолда иштирокчи давлатлар ўтказилган **тадқиқотларнинг** **натижаларини** бошқа иштирокчи давлатлар ва Бутунжаҳон антидопинг агентлиги билан алмашади.*

Спорт соҳасидаги илмий тадқиқотлар

Иштирокчи давлатлар қуйидагиларга кўмаклашадилар:

📍 илмий ва тиббиёт соҳаси мутахассислари томонидан Кодекс тамойилларига мувофиқ равишда **спорт соҳасида илмий тадқиқотлар** ўтказилиши;

📍 юрисдикцияси остидаги спорт ташкилотлари ва спортчиларга кўмаклашувчи персонал томонидан **Кодекс тамойилларига мувофиқ** спорт соҳасида илмий тадқиқотлар ўтказилиши.

ИЛОВАЛАР

1-илова

Фойдаланилган тушунчалар изоҳи

Аккредитациядан ўтган допинг назорати лабораториялари	Бутунжаҳон антидопинг агентлиги томонидан аккредитация қилинган лабораториялар
Антидопинг ташкилоти	допинг назорати жараёнининг исталган унсурини ишлаб чиқиш, амалга ошириш ёки унга риоя этилишини таъминлаш қоидаларини белгилаш учун масъул бўлган юридик шахс. <i>Масалан, Халқаро Олимпия Қўмитаси, Халқаро Паралимпия Қўмитаси, йирик тадбирларни ўтказувчи ва уларда допинг-тестни амалга оширувчи бошқа ташкилотлар, Бутунжаҳон антидопинг агентлиги, халқаро федерациялар ва миллий антидопинг ташкилотлари киради.</i>
Спортчининг ёрдамчи ходими	спортчилар билан ишлайдиган ёки уларни даволаш билан шуғулланувчи ҳар қандай мураббий, инструктор, менежер, агент, жамоа аъзоси, мансабдор шахс, тиббий ёки парамедик ходим. <i>Бу шахслар спорт мусобақаларида иштирок этаётган ёки иштирок этишга тайёргарлик кўраётган спортчилар билан ишлайди.</i>
Мусобақа	якка тартибдаги пойга, матч, ўйин ёки алоҳида спорт беллашуви.
Допинг-назорат	допинг-тест ўтказишни режалаштириш, намуналарни олиш ва улар билан муомала қилиш, лаборатория таҳлили, тестдан кейинги тартиб-таомиллар, эшитувлар ва апелляция жараёнларини ўз ичига олган жараён.
Спортда допинг	антидопинг қоидаани бузиш ҳолати.

Белгиланган тартибда ваколат берилган допинг-назорат гуруҳлари	халқаро ёки миллий антидопинг ташкилотлари раҳбарлиги остида фаолият юритадиган допинг-назорат гуруҳлари.
“Олдиндан огоҳлантирмасдан”	спортчини хабардор қилишдан аввал олиб бориладиган допинг-назорати бўлиб, бу ҳолда спортчи хабардор қилинган пайтдан то намуна олишгача унинг доимий кузатилиши таъминланади.
“Тақиқланган рўйхат”	Спортда допингга қарши кураш тўғрисидаги халқаро конвенциянинг 1-иловасига киритилган рўйхат бўлиб, унда тақиқланган моддалар ва тақиқланган усуллар кўрсатилган.
Тадқиқот (допинг-тест)	допинг-назорати жараёнининг бир қисми бўлиб, унга допинг-тестлар ўтказишни режалаштириш, намуна олиш, намуна билан ишлаш ва уларни лабораторияга олиб бориш киради.
Спорт ташкилоти	бир ёки бир неча спорт тури бўйича спорт тадбирини ўтказиш қоидаларини белгилайдиган орган сифатида фаолият юритадиган ҳар қандай ташкилот.

Тақиқланган рўйхат – халқаро стандарт

Ҳар доим (мусобақа даврида ҳам, мусобақадан ташқари даврда ҳам) тақиқланган моддалар ва усуллар

Тақиқланган моддалар

S1. Анаболик агентлар

S1.1. Анаболик андроген стероидлар (AAS)

(a) Экзоген* AAS

(b) Эндоген AAS**

S1.2. Бошқа анаболик агентлар

S2. Гормонлар ва уларга тегишли моддалар

S3. Бета-2 агонистлари

S4. Гормон антагонистлари ва модуляторлари

S5. Диуретиклар ва бошқа ниқобловчи моддалар

Тақиқланган методлар

M1. Кислород ташишни кучайтириш

M2. Кимёвий ва жисмоний манипуляциялар

M3. Ген допинги

Мусобақаларда тақиқланган моддалар ва методлар

(S1–S5 ва M1–M3 бўлимларида келтирилган тоифаларга қўшимча равишда, мусобақа вақтида қуйидаги тоифалар ҳам тақиқланади)

Тақиқланган субстанциялар

S6. Стимуляторлар

S7. Наркотиклар

S8. Каннабиноидлар

S9. Глюкокортикостероидлар

Айрим спорт турларида тақиқланган моддалар

P1. Алкоголь

P2. Бета-блокаторлар

[illegible]